

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
«Фермер хўжалигини бошқариш» факультети
5610100-Фермер хўжалигини бошқариш
«Фермер хўжалигини бошқариш» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни
эркинлаштириш ва такомиллаштириш**

Бажарди:

4-босқич 37 гуруҳ талабаси

Шомирзаев С.Н.

Илмий раҳбар, и.ф.н. доц.

Ядгаров А.А.

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия
этилди.

Фермер хўжалигини бошқариш
факультети декани

Кафедра мудири,

и.ф.н. доц. Пулатова Р.Х.

«__» _____ 2014 йил

«__» _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ – 2014

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

Кафедра мудири

доц. Пулатова Р. _____

___ декабр 2013 й.

“Фермер хўжалигини бошқариш” йўналиши

4-курс 37- гуруҳ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____

(Фамилияси, исми ва шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси _____

Кафедранинг 201__ йил «__» _____ даги _____ мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати _____

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар _____

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалаларнинг рўйхати) _____

5. Жадвал ва расм ишларининг рўйхати (чизмалар рўйхати аниқ кўрсатилади) _____

КАЛЕНДАР РЕЖА

Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи

т/р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			топширик берилди	топширик бажарилди
1	1-Боб. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишининг моҳияти ва мазмуни	А.Ядгаров		
2	2-Боб. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолият орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш кўрсаткичлари таҳлили	А.Ядгаров		
3	3-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари	А.Ядгаров		

Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№ т/р	Малакавий битирув ишини бажариш босқичлари	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	1-боб бўйича адабиётларни назарий жиҳатдан ўрганиш		
2	2-боб бўйича статистик маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш		
3	3-боб бўйича барча маълумотларни умумлаштириб ишни якунлаш		

Битирув малакавий ишининг
раҳбари

_____ (Имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

«Топшириқни бажаришга олдим»

_____ (Талабанинг имзоси)

_____ (Талабанинг Ф.И.Ш.)

	КИРИШ.....	5
	Адабиётлар шарҳи.....	9
I-боб	Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг моҳияти ва мазмуни.....	17
1.1.	Ташқи иқтисодий омилларнинг моҳияти ва уларнинг туркумланиши.....	17
1.2.	Бозор ислохотларини амалга оширишда ташқи иқтисодий омилларнинг таъсири.....	26
1.3.	Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асослари.....	32
II-боб	Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи иқтисодий фаолият орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш кўрсаткичлари таҳлили.....	39
2.1.	Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳолати таҳлили.....	39
2.2.	Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи савдо муносабатлари ва унинг кўрсаткичлари таҳлили.....	49
2.3.	Халқаро иқтисодиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик-ташқи иқтисодий омил сифатида.....	54
III-боб	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари.....	59
3.1.	Қишлоқ хўжалигида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш.....	59

3.2.	Ўзбекистон халқаро иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларини янада кўчайтириш муаммолари.....	64
	Хулоса ва таклифлар.....	68
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, чет мамлакатлар билан ташқи савдо муносабатларини кенгайтириш, жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш ва халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам иқтисодий ва молиявий ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди¹.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ички бозорни тўлдириш муаммоларини ўз ишлаб чиқариш ҳисобига самарали ҳал қилишга уриниш мағлубиятга маҳкумдир. Ҳозирги инсон эҳтиёжлари шу қадар хилма-хилки, уни «натурал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи//Г. 2014.18.01.

хўжалик» доирасида, мамлакатни жаҳон бозоридан ажралган ҳолда қондириб бўлмайди. Табиий равишда, ҳар қандай мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларга киришади, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга интилади.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов маърузасида таъкидлаганидек “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”² деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий шароитларининг қулайлиги, хом ашё ресурсларини мўл кўллиги, малакали ва арзон ишчи кучининг кўплигига кўра чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисобига ташқи савдо муносабаларини самарали ривожлантириш имкониятларига эгадир ва келажакда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида хом ашё ресурсларини чет элга сотишни борган сари камайтиради.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг жаҳон мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш ва бирлашиш энг муҳим масалалардан бири тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш долзарб ҳисобланади ва мавзунини танлашга асос бўлди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ватанимиз иқтисодчилари академик Р.Х.Шодиев, Г.О.Назарова, А.С.Зиядуллаева, К.Д.Ханазаров, Маскакова Л.М., ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий

² Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 30.01.2010

ишлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш масалалари етакчи олимлардан К.Д.Вларавен, Тимости У.Ках, Э.Наумен, Д.Мак Нотон, Э.Рид, В.А.Хасбулатов, О.И.Маскович, А.И.Светлова, С.Суской. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ишининг олдида кўйилган асосий мақсад Ўзбекистонни қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўллари ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш лозим:

- Ташқи иқтисодий омилларнинг моҳияти ва уларнинг туркумланишини назарий жиҳатдан ўрганиш;

- Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асосларини аниқлаш;

- Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи савдо муносабатлари ва унинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- Қишлоқ хўжалигида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш ҳолати ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети – ташқи иқтисодий фаолиятни

ўрганиш ва уни ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш жараёнлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Алоқалар, Инвестициялар ва Савдо Вазирлиги томонидан ва уларнинг ташкилотлари, Олий ўқув юртлари талабаларини ўқитишда фойдаланилади.

БМИ нинг назарий ва услубий асослари. Президент И.А.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга бағишланган асарларидаги ғоялар, ҳамда хорижий ва ватанимиз олимларининг мавзуга дахлдор хулосаларига, улар қўллаган методологик тамойилларга таянади.

БМИ ни амалга оширишда ҳозирги замон иқтисодиёт фанида фойдаланиладиган илмий абстракция, иқтисодий-статистик тақлил, анализ ва синтез, қиёслаш ва солиштириш ва бошқа шу каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий янгилиги. Қуйидагилардан иборат:

- Ташқи иқтисодий омилларнинг моҳияти ва уларнинг туркумланишини назарий жиҳатдан ўрганилди;

- Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асослари аниқланди;

- Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳолати таҳлил қилинди;

- Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи савдо муносабатлари ва унинг кўрсаткичлари таҳлил қилинди;

- Қишлоқ хўжалигида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Республикамиз ҳамда МДХ давлатлари иқтисодчиларининг илмий ишларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида ривожланган бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий алоқаларни тўғри ташкил қилиш бўйича мавжуд муаммолар назарий жиҳатдан асосланиб, уларни ҳал қилиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

И.А.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т., "Ўзбекистон", 2014 й.

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг кун тартиби ўтган 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст

бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир деб фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Т., "Ўзбекистон", 2014 й.

Ушбу маърузада айнан мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари юқори суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганидан кўнглимиз тўқ бўлиши учун бугун бизнинг барча асосларимиз бор. Ўтган 10 йил давомида юртимизда мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш бўйича эришилган ўсиш суръатлари айнан шундан далолат беради. 2004 — 2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш борасидаги фикрлари келтириб ўтилган.

Б.И.Комилжоновнинг “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш” (2007) ўқув кўлланмасида бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, инновацияларни жорий этиш, миллий корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиши талқин қилинади.

Т.Х.Фармонов муаллифлигида чоп этилган “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари” номли монографияда республикамиз қишлоқ хўжалигида истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланади. Иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналиши сифатида фермер хўжаликларини бундан буён ташкил этиш ва ривожлантиришнинг объектив зарурлигини

белгиловчи омиллар, унинг назарий асослари ва асосий тамойиллари, хўжаликларнинг барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, қишлоқ хўжалигидаги товар маҳсулоти ишлаб чиқрувчи йирик хўжалик субъекти сифатидаги ўрни иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларида уларнинг улушини кўпайиш динамикаси ўрганилган.

“Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари”. - Тошкент. ЎзБИИТИ, 2005-285 б. Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш Маркази ва Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида “Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари” мавзусида 2005 йил 3 июнь куни ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси маърузалари асосида тайёрланган.

“Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари”. Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 11 январь 26-сонли Фармойишига мувофиқ жорий йилнинг январь-феврал ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган семинар-мунозараларда қилинган маърузалар асосида тайёрланган бўлиб, унда миллий истиқлол ғояси, кадрлар тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, диний экстремизм моҳияти, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини такомиллаштириш каби масалалар ҳозирги давр талаблардан келиб чиқилган ҳолда ёритиб берилган.

“Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари”. Ушбу илмий

мақолалар тўпламида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераётган хўжалик юритиш шакли-деҳқон хўжаликлари фаолияти ва уни ривожлантиришга бўлаётган муаммолар ҳамда уларнинг илмий-амалий ечимларини ўзида мужассам этган .

Республика Президентининг 1997 йил 18 мартда 1737-фармони чиқди. Бу фармоннинг 4-бандида, деҳқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларни ролини кучайтириш борасида деҳқон ва фермерлар уюшмаси ташкил топди. Бу уюшманинг ташкил топиши деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эди. Шу уюшма қошида деҳқон ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил топди. Бу жамғарма деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш билан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада жадаллаштиришга қаратилган эди. Жамғарма 1998 йилдан бери ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ширкат хўжаликларини тўлиқ тугатиш орқали фермер хўжаликларини ташкил қилиш ўз мазмуни ва моҳияти билан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлардаги янги йўналиш бўлиб, бунда хўжаликлар тўлиқ фойда олишга эришади. (А. Жўраев, 2002 й.)

Бу китобда асосий эътибор мамлакатимизда тидбиркорлар олдида пайдо бўлаётган иқтисодий муаммолар ва тидбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар олдида турган тўсиқлар ва қийинчиликлар батафсил ёритилган. Лекин баъзи вазиятларда фермер хўжаликлари билан тузилаётган шартномалар тенг ҳуқуқли асосда тузилмаяпти, натижада фермерларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда. (У. Барноев, 2003 й.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 2004-2006 йилларда «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонида фермер хўжаликларига ер бериш туман ҳокимини

қарори асосида бўлади. Фермер хўжалигига берилган ер ширкат хўжалиги балансидан чиқарилади. Бундан ташқари фермер хўжалигини ҳам аъзолари шартнома асосида ишга қабул қилинади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хусусий, кичик тадбиркорлик фаолиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг назарий асослари ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари баён қилинган. Бу китоб тўрт бобдан иборат: Тадбиркорликнинг моҳияти ва мақсадлари; Хусусий тадбиркорлик соҳасини танлаш ва корхона имкониятини белгилаш; Тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш дастури ва бизнес режаси; Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўқувчига тушунарли бўлиш учун китобда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган баъзи бир корхоналарнинг бизнес-режаси, корхона устави ва бошқа ҳужжатлари илова сифатида кўрсатилган (Ҳ. П. Абдулқосимов, 1995 йил).

Б.Т.Салимов, Қ.С.Ҳамдамов ва бошқалар. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди (2004 йил). Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шаклларидан бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ҳамда уларни ташкил этиш, бошқариш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Деҳқон ва фермер хўжаликларида ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш хизматларидан фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, сотиш, сармоя сарфлаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш, улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш каби мавзуларга кенг ўрин берилган.

К.П.Оболенский “... самарадорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичари экин майдонининг бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ўлчамлари ва маҳсулот таннархини пасайиши бўлиб қолади” деб ҳисоблайди.

Шунинг билан бир қаторда у ҳар қандай ҳолда 1 сўмлик харажатга маҳсулот ишлаб чиқариш ўлчамлари кўрсаткичини қўллашни тавсия қилган, бу эса жонли ва жисмоний меҳнатнинг самарадорлигини акс эттиради деб таъкидлаган. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришни баҳолашда ердан фойдаланиш даражаси, меҳнат

унумдорлиги, ишчи кучи, моддий пул ресурслари, асосий ишлаб чиқариш воситалари каби масалаларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шундан келиб чиқиб, ялпи маҳсулот (товар ва пуд кўринишида), 100 гектарга экин майдонига, бир ишчи кунига ва бир киши соатига ҳамда 100 сўмлик ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган ялпи ва соф даромад кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этган.

К.П.Оболенскийнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам ҳар бир корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи даромад миқдори муҳим аҳамият касб этади. Ялпи даромад-бу корхона томонидан бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулот ва хизматларнинг пулдаги ифодаси ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти» деб номланган асарда мамлакатнинг буюклигини иқтисодий қудрат таъминлайди, деб таъкидланган бўлиб, китоб факт ва рақамларга бой, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, республика иқтисодиётидаги қишлоқ хўжалиги тармоғида энг сўнгги ўзгаришлар ва ютуқлар ҳақида атрофлича маълумот беради. (Н. Тўхлиев, 1998 йил).

А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар ўз рисоаларида бозор иқтисодиётининг моҳияти, унинг қонунлари ва ҳаракатга келтирувчи омиллари, бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти, унинг фарқлари, бурчлари, принциплари, тадбиркорликнинг асосий ахлоқий талаблари баён этилган. Шунингдек, фирма (корхона) фаолияти, корхоналар турлари, белгилари, корхонанинг фонди ва харажатлари, маркетинг ва менежмент тўғрисида тушунчалари изоҳлаб берилган. (А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев. 1995 йил).

Ғ.А.Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Б.Рустамоваларнинг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш» (2005) дарслигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил

этиш, меҳнат мотивацияси, моддий техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик тамойиллари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

«Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши» номли асар бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш назарияси ва амалиётига бағишланган бўлиб, унда миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, бозор иқтисодиётига амал қилиш механизми, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари ёритилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодий ривожланиш макрокўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини солиқлар орқали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган (Т. Рахмонова, 1996 йил).

Р.Х.Пўлатованинг «Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш» (2006 йил). Ушбу ўқув қўлланма ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, талаб ва таклиф асосида шаклланган хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятидан кенгроқ фойдаланиш, амалда қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ушбу масалаларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганишга бағишланган.

Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятлари, жаҳон бозори ва халқаро валюта кредит муносабатлари, жаҳоншумул муаммолар ва иқтисодий ўсиш каби масалалар ёритилган. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни четга сотиш муаммоларига тўхталмаган ва уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилмаган (Т.Жўраев. 1996 йил).

Иқтисодий билимга эга бўлиш ҳар бир шахснинг аввало ўзига керакдир. Айниқса, иқтисодий соҳалар билан иш кўраётган шахслар учун ушбу рисола қўлланма сифатида фойдаланилади. Рисолада баён этилган иқтисодий атама ва терминлар, мисоллар ўрганувчининг тез ўрганишини таъминлайди. Иқтисодий билим асосларини ўрганиш орқали биз иқтисодиёт тўғрисида тўла маълумотга эга бўламиз. (Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муоммолари ва ечимлари. 2002 йил.)

С.Абдусатторовнинг «Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар» асарида Ўзбекистон Республикасида бўлаётган барча иқтисодий ислохотлар иқтисодиётимизда фаол қатнашиб келаётган тармоқлар тўғрисида ушбу рисолада келтирилиб ўтилади. Бу рисола орқали республикамизнинг имкониятини қай даражадалигини билиб олсак, иқтисодиётимиз тўғрисида ҳам, бир қанча маълумотларга эга бўламиз. Ушбу рисола вақт ўтган сайин ўз қийматини йўқотиб боради. Чунки, республика миқёсида иқтисодиёт тез-тез ўзгариб бормоқда, янги-янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир инсон кишилик жамиятида яшар экан, у чуқур иқтисодий билимга эга бўлиши керакдир. Кишиларни иқтисодий билимини оширишда ва кўпгина иқтисодий муаммоларини топишда ушбу асар жуда қўл келади (С.Абдусатторов, 1999 йил).

I-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Ташқи иқтисодий омилларнинг моҳияти ва уларнинг туркумланиши

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда³

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати айнан:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи//Г. 2014.18.01.

маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичларидаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда⁴.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси - бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва

⁴ Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 30.01.2010

иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити бизга қуйидаги режаларни белгилашга асос беради.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр Маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда⁵.

Мустақиллик эълон қилиниб, миллий валюта жорий этилгач, Ўзбекистон шўро давридаги хом ашё ресурслари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир ёқлама, самарасиз иқтисодий алоқаларини тўхтатиши зарур эди. Бундай шароитда самарасиз, таназулга юз тутган иқтисодий алоқалардан воз кечиб, жаҳон бозорига чиқиш Ўзбекистон учун иқтисодий инқирозни енгиб ўтишнинг ягона йўли эди.

Ўша даврда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакат халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни, авваламбор, Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари, АҚШ, Япония ва иқтисоди жадал ривожланаётган бошқа давлатлар билан кенгайтиришга қаратилди. Бу сиёсат бирон-бир мамлакатга қарши йўналтирилмаган эди. У иқтисодиётимиз учун нисбатан қулай савдо шароити яратишга, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда тузилмавий ўзгаришлар қилишга имкон берадиган мутаносиб халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган эди.

Мутаносиб ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш жараёнидаги фаол чора-тадбирлар Ўзбекистонга ташқи иқтисодий савдони ҳам мамлакатлар, ҳам

⁵ Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 30.01.2010

тармоқлар миқёсида реструктуризация қилиш имконини берди. Илгари Ўзбекистоннинг бевосита савдо алоқалари бўлмаган хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда дунёнинг ривожланган давлатлари билан савдо алоқалари салмоғи 2004 йилдаги бутун ташқи савдо айланмасида 68,5%га етди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг тўловга қобилиятли ҳамкор сифатидаги халқаро обрў-этибори ошиб бормоқда.

Ҳамкорликка асосланган ташқи иқтисодий сиёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиниб олинган: мавқуравий қарашлардан қатъий назар, ташқи муносабатларда очиклик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам ички томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; ўзининг миллий давлат манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш; умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Республикамиз Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа ва Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстлик регионал иқтисодий ташкилоти ва бошқа эътиборли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Бу халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки мамлакатимизга бир қанча йирик давлатлараро лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакат билан ташқи савдо қилмоқда. Дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатлар билан ташқи савдонинг улуши кўпайиб бормоқда. Чет эллардан қўшимча моддий-молиявий ресурслар жалб қилиш, жаҳон фан-техникаси ютуқларини иқтисодиётга жорий этиш, аҳолининг сифатли, хилма-хил товарларга, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологияга бўлган талабини қондириш, хизмат соҳасини ривожлантиришда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш, қўшимча иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида олис хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий савдо

ривожлантирилиб борилмоқда.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий тараққиётининг ҳозирги босқичида кўп укладли иқтисодий тизимни ташкил этиш, янги давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон хўжалиги тизимига жадал кириб боришини таъминлаш шароитида инсоннинг жисмоний ва маънавий салоҳиятидан, унинг ақл-заковатидан самарали фойдаланиш, эҳтиёж ва манфаатларни ҳисобга олиш масалалари биринчи ўринга чиқади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос йўлимиз ва дастуримизни мувоффақиятли амалга ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифасини ҳал этиш бевосита инсон, унинг профессионал билимлари, масъулияти, миллий маънавияти, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги ва бошқа бир қанча фазилатларига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда юзлаб корхоналар, хусусий фирмалар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, қўйингки, ҳар бир фуқаро республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги шароитда замонавий билимларсиз, янги техника ва технологияларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шундай экан иқтисодиётни бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни самарали амалга ошириш, жаҳон ва ички бозор конъюнктурасини тадқиқ қилиш, талаб ва таклиф муносабатлари, замонавий менежмент ва маркетинг билан боғлиқ бўлган билимларни пухта эгаллаш бугунги кун талабидир.

Бозор муносабатларининг ҳар бир иштирокчисида ўз иқтисодий фаолиятини баҳолаш кўникмаларини ҳосил этиш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича шартномалар тузиш, ҳамкорларни танлаш, халқаро маркетинг тамойилларидан фойдаланиш, шулар асосида қарорлар қабул қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришнинг долзарб омилидир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш энг аввало

умуминсоний иқтисодий фаолият бўлиб, унинг белгилардан бири ихтисослашувдир.

Ихтисослашув - ишлаб чиқаришнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга мослашиши бўлиб, унинг асосида меҳнат тақсимоти ётади. Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан қисмларга ажралишини билдиради. Ҳар бир меҳнат тури мустақил вазифани бажаради ва шу билан бирга, бошқа меҳнат турлари билан боғланган ҳолда ишлаб чиқаришда қатнашади.

Ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнатни бажарувчи кишилар иштирок этади, уларни инглиз олими А.Смит “иқтисодий индивидлар” деб атаган. Меҳнат тақсимоти ана шу индивидларнинг ўзаро алоқада бўлишини тақозо этади. Фаолият турлари бўйича қаралганда меҳнат тақсимоти уч йўналишда ривожланади: яъни умумий, хусусий ва қисман. Меҳнат фаолият турлари бўйича тақсимланиши билан бир қаторда муайян майдон доирасида ҳам тақсимланиши мумкин. Меҳнатнинг ҳудудий миқёсда тақсимланиши икки хил бўлади:

*ҳудудлараро меҳнат тақсимоти - муайян мамлакат доирасидаги айрим ҳудудлар ёки минтақаларда меҳнатнинг ихтисослашуви;

*ҳалқаро меҳнат тақсимоти (*ХМТ*) - меҳнатнинг миқдори ва сифатидан келиб чиқиб, унинг мамлакатлар ўртасида маълум нисбатда иқтисодий нафни кўзлаган ҳолда тақсимланиши.

Халқаро меҳнат тақсимоти натижасида турли давлатлар ўртасида ижтимоий меҳнат тақсимланади, ишлаб чиқариш байналминал миқёсда ихтисослашади, давлатлараро иқтисодий алоқаларни заруриятга айлантиради. Халқаро меҳнат тақсимоти натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, ижтимоий меҳнат сарфлари тежалади ва ишлаб чиқариш кучларининг тўғри тақсимланишига эришилади.

Мустақилликка эришгач, республикамиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун шарт-шароитлар ва имконият туғилди. Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг

Ўзига хос тизимини шакллантириш, алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиш, республикамизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш йўлларини белгилашни тақозо этади.

Республикамиз президенти И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” ва “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарларида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ўз аксини топган. “Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, яратилган тамойилларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади”.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишининг асоси – очиқ иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонни 170 га яқин давлат тан олди, дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилган, Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакатнинг элчихоналари фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо, масалан, БМТнинг иқтисодий муассасалари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа қайта тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё қайта тикланиш ва тараққиёт банки, МДҲнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)да кузатувчи мақомини олди. Агар республикамиз бу ташкилотга ҳақиқий аъзо бўлиб қўшилса, унинг иштирокчилари бўлган 128 та мамлакат билан савдо-сотик қилиш учун имконият ва имтиёзларга эга бўлади.

Мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида республикамизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро

меҳнат тақсимотида ўз ўрнини эгаллашида иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ассортименти, ҳажмини кенгайтириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикаимизнинг Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга яқинлиги, чегарадошлиги, Европа ва Осиё мамлакатлари савдо йўлида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида экспортга ихтисослашган кўшма корхоналарни яратиш, табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича чегарадош хўжаликларни ташкил қилиш, эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш негизида ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади. Республикаимиз қадимий “Буюк Ипак Йўли”да жойлашганлиги сабабли у Европа ва Осиё ўртасида иқтисодий ва маданий “кўприк” вазифасини ўташи мумкин. Ана шундай кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар, ишчи кучи, маданий кадрларнинг ҳаракат қилиши ва айирбошланиши учун қулай шарт-шароит яратилиши мумкин.

Ҳозирги кунда республикаимизда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун, хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилишга, уларга кафолат ва имтиёзлар беришга, лицензиялар, “ноу-хау”лар сотиб олишга, валюта тушумларини кадрларни тайёрлашга сарфлашда эркинликлар беришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш – ушбу соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, энг аввало, саноат корхоналарини бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун корхоналарни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади”. Ҳақиқатан ҳам жаҳон бозори товарларга, уларнинг сифатига юксак талаб қўяди, рақобат курашида ютиб чиққан корхонагина ўз товарини сота олади.

Президентимизнинг 1997 йил октябрида эълон қилинган “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва кейинги йилларда уни бажариш жараёнида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар республикамиз корхоналарининг экспортга товар ишлаб чиқаришини янада кучайтиришга олиб келди.

Фармонга кўра, ўша йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистонда экспортга нисбатан қўйиладиган барча божхона солиқлари бекор қилинди ва унинг ўрнига экспорт қилувчилар учун янги имтиёзлар берилди. Бу имтиёзларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- * корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини эркин алмаштириладиган валютада сотадиган бўлса, унга олдиндан тўлаш ва аккредитивсиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилади;

- * товар экспорти ички бозор баҳосидан паст баҳода амалга оширилганда, солиққа тортиш ҳақиқатда сотилган баҳо бўйича амалга оширилади;

- * экспортга чиқарилаётган товарлар ҳажми умумий сотиш ҳажмининг 30 фоизини ёки ундан ортиғини ташкил қилса, даромад солиғи миқдори икки мартага қисқартирилади;

- * МДҲ га маҳсулот экспорт қиладиган корхоналар 1998 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадилар;

- * мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ишлаб чиқариш корхоналари чет давлатларда ўзларининг савдо уйлари, ваколатхоналарини очишлари мумкин. Шу билан бирга, уларга консигнация шартлари асосида товар етказиб

беришларига рухсат берилади.

Юқорида санаб ўтилган имтиёзлар, республикамизда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг экспортга маҳсулот чиқаришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш бўйича кўрган навбатдаги чораларидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, ҳамда зарур бўлган инфраструктураларни яратишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, АҚШ билан ҳамкорликда тузилган “ЎЗАИГ интернейшнл” суғурта компанияси ва ҳоказоларни киритишимиз мумкин. Бу ташкилот ва муассасалар республикамизга хорижий сармояларнинг кириб келишини тезлаштиришда, устувор йўналишларни аниқлашда, уларни суғурталашда, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатишда ҳиссалари катта.

1.2. Бозор ислохотларини амалга оширишда ташқи иқтисодий омилларнинг таъсири

Ташқи савдо мамлакатлараро ривожлантирилиши Ўзбекистонга унинг тармоқлар бўйича йўналишини ҳам анча такомиллаштириш имконини берди, экспортда хом ашё ресурслари, аввало, пахта толаси миқдори камайди ва тайёр маҳсулот ҳажми ортди. Импортда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ҳажми қисқарди ҳамда иқтисодийни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш учун зарур машина ва ускуналар, замонавий технологиялар салмоғи кескин ўсди.

Халқаро ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий муносабатлар масалаларига турли давлат олимлари ўз қарашларини баён этганлар. Хусусан, Л.Е.Стровского ўзининг илмий асарида қуйидаги фикрларни келитириб ўтади, “...замонавий бозор

иқтисодиёти шароитида корxonанинг ташқи иқтисодий фаолиятга киришувчи давлатларнинг асосий мажмуавий тизими сифатида шаклланиши лозим”.⁶

Дарҳақиқат, ҳар қандай корхона ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бевосита бирор бир маҳсулот ёки хизматга ички эҳтиёжни таъминлаб бўлгандан кейин бевосита ташқи бозорга интилади. Шу жиҳатдан корxonанинг бозордаги мавқеи ошади, уни бошқа давлатлар таний бошлайди ва унга бўлган қизиқиши юзага келади. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қуйиши орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни барқарор ривожлантиришга эришади.

Ташқи иқтисодий фаолият борасида Россиялик олим В.В.Покровская ҳам ўзининг бу соҳага илмий қарашларини қуйидагича ифодалайди “...ташқи иқтисодий фаолият халқаро бизнеснинг асосини ташкил этувчи, маҳсулотларни ишлаб чиқариш базасига асосланган ва ташқи бозорларга чиқишига мўлжалланган фаолият туридир”.⁷

Ташқи иқтисодий фаолият ҳар қандай корхона ва жамиятнинг асосий бизнес фаолияти билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Шу жиҳатдан, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиримасдан туриб бизнесда юқори натижага эришиш қийин кечади.

Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий алоқалар борасида Д.В.Зеркалов ҳам қуйидагиларни таъкидлаб ўтган, “Халқаро иқтисодий муносабатлар-халқаро алоқалар, давлатлар ўртасида савдо муносабатларини ўрнатиш, ишчи кучи миграцияси, капитал киритиш, халқаро кредит, валюта муносабатлари, илмий-техникавий ишлаб чиқариш алоқаларидан ташкил топади”.⁸

Ушбу олимнинг фикрларини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш

⁶ Л.Е.Стровского. Внешнеэкономического деятельность предприятия.-М.: ЮНИТИ. 2008 г. 800 стр.

⁷ В.В.Покровская. Внешнеэкономического деятельность. Учебник. -М.: Экономист. 2006 г. 670 стр.

⁸ Д.В.Зеркалов. Внешнеэкономического деятельность: Энциклопедический словарь-Киев.: Дакар. 2008 г. 543 стр.

лозимки, халқаро алоқалар ва ташқи иқтисодий алоқалар давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни янада яхшилади, молия-кредит муносабатларида фаолликни оширади ҳамда илмий-техникавий янгиликларни кириб келиши ва жорий этилишида катта аҳамията эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларини ривожлантиришга эришишга сабаб бўлади.

Россиялик олимлардан Г.А.Маховикова ва Е.Е.Павловалар ҳам ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий алоқалар борасида ўз карашларини эътироф этганлар, яъни “ташқи иқтисодий алоқалар-бу халқаро хўжалик муносабатлари, савдо, сиёсий алоқалар, товар алмаштириш, иқтисодий алоқаларнинг турли кўринишлари, илмий-техникавий муносабатлар, ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш кооперацияси, хизмат кўрсатиш ва ҳамкорликдаги корхоналар фаолияти тушунилади”.⁹

Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий алоқалар борасида Ўзбекистонлик олимлардан Ж.Ж. Жалолов, И.А.Ахмедов, И.С.Хотамовлар куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтганлар, “ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий алоқалар - бозор шароитида бутун иқтисод ва иқтисодий фаолиятга таъсири хусусияти қисман ўзгарди, яъни тартибга солиш иқтисодий усуллар билан бутун иқтисод ва унинг ташкилий қисмларининг фойдали харакатини таъминловчи маълум шароитларни яратувчанлик шаклини олади”¹⁰.

Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий алоқалар борасида шунингдек, Р.Х.Шодиев, Э.Р.Махмудовлар ўз фикрларини баён этганлар, “...ташқи иқтисодий алоқаларни мувафаққиятли олиб бориш масаласи ўз навбатида давлатнинг турли эҳтиёжларини қоплаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини соғломлаштириш, унинг самарадорлигини оширишда муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади ва миллат равнақини жадаллаштиради,

⁹ Г.А.Маховикова., Е.Е.Павлова. Внешнеэкономического деятельность. Учебное пособие.-М.: Эксмо. 2009 г. 320 стр.

¹⁰ Ж.Ж. Жалолов, И.А.Ахмедов, И.С.Хотамов. Ташқи иқтисодий фаолият. Ўқув қўлланма. Тошкент. Адабиёт жамғармаси. 2005 йил. 168 бет.

оқибатда давлат куч-қудратининг юксалишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади”¹¹.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкори. Ўзбекистон–Россия азалдан йирик иқтисодий ҳамкорлардан биридир.

Иқтисодий инқироздан чиқиш даражасига кўра, Россиянинг Ўзбекистон ташқи-савдо айланмасидаги улуши 1999 йилдаги 13 фоиздан 2005 йилда 17 %гача ўсди. Фақат 2005 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси экспорт ҳажми 17,7 %, импорт 24 %га ўсди. Бу борада янада жадал юксалиш учун яхши имкониятлар мавжуд.

Савдо айланмаси таркиби янада такомиллашиб, унда икки мамлакат иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар ўз аксини топа бошлади. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажмида асосий улушни машина ва ускуналар (23%), пахта толаси (7%) ташкил қилди. Ваҳоланки, 1994 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 11 ва 64 % эди.

Россиядан Ўзбекистонга экспорт ҳажмида ҳам асосий улушни машина ва ускуналар (38%), кимё маҳсулотлари (20%), ёғоч, қоғоз, картон, мебель (24%) ташкил этди. 1994 йилда эса, Россия Ўзбекистонга асосан энергия манбалари (39%), озиқ-овқат маҳсулотлари (15%), қора металл (14%) экспорт қилган эди.

Иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръати, у билан боғлиқ савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси, аҳоли реал даромадларининг мутассил ўсаётгани шундан далолат берадики, Россия тобора қулай, худудий жиҳатдан яқин, тўловга лаёқатли бозорга айланмоқда. Бу бозорга ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг хилма-хил маҳсулотларини етказиб бериши мумкин.

Россия товарлари асосий экспорт номенклатурасининг қулай конъюнктураси асосида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли қисқа муддатда бозор шароитида фаолият кўрсата оладиган кучли хусусий секторни яратиш имкони вужудга келди. Самарасиз ишлаётган корхоналарнинг аксарияти янги хусусий

¹¹ Р.Х.Шодиёв, Э.Р.Махмудов. Жаҳон иқтисодиёти. Ғ.Ғулом нашриёти. Тошкент-2005 йил.308 бет.

мулкдорлар кўлига ўтди ёки таназзулга учради. Бу эса Россия корхоналарининг, умуман, иқтисодиётининг соғломлашувига олиб келди. Россияда молия-саноат холдинглари ва компаниялари ташкил этилган. Улар мамлакат ичида ва чет элларга ўз сармояларини киритиш бўйича катта инвестициявий имкониятларга эга. Сўнгги уч йил ичида мамлакатда асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажми ўртача 10,5 %га ортди.

Табиий равишда, Россия сармояси халқаро бозорга ҳам дадил кириб бормоқда. Унинг етакчи компаниялари эса мунтазам равишда ривожланган ва ривожланаётган ўнлаб давлатларда миллиардлаб доллар миқдорида ўз инвестициявий стратегиясини амалга оширмоқда.

Россия сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кенг миқёсда инвестиция киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу, аввало, нефть ва газ қазиш, уларни қайта ишлаш, телекоммуникация, кон саноати, металлургия, машинасозлик, асбобсозлик, электротехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби экспортга йўналтирилган соҳалар ва бошқа истиқболли тармоқларда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, 2005 йилнинг апрелида Россиянинг «Газпром» компанияси билан «Шохпахта» газ қонида газ қазиб олиш ва ундан фойдаланишдаги иштироки бўйича маҳсулот тақсимоти тўғрисида битим имзоланди. Айтилган «Газпром» билан Устюрт нефть-газ қонларида табиий газ геология-қидирув ишларига, қазиб олиш ва йилига 10 млрд.куб метр ҳажмида реализация қилиш мўлжалланган лойиҳага 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутувчи битим ишлаб чиқилмоқда.

«Лукойл» компанияси билан маҳсулот асосида Қандим, Хаузок, Шоди газ қонларида табиий газ қазиб олиш ва биргаликда реализация қилиш бўйича йирик битим тайёрланмоқда. Бунда «Лукойл» компанияси 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади ва лойиҳанинг амалга оширилиши 200 млрд.куб метрга яқин табиий газ қазиб олиш имконини беради.

Машинасозлик, асбобсозлик, электротехника саноатидаги технологик кооперацияга асосланган самарали алоқалар тикланмоқда. Кабель маҳсулотлари, электротехник машиналар, жиҳозлар ва аппаратура ишлаб чиқариш соҳаларида 19 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. 33 та қўшма корхона саноат ва маиший турдаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Машинасозлик, машина ва жиҳозларни таъмирлайдиган 68 та қўшма корхона тузилган.

Бозор ислоҳотларини амалга оширишда ташқи иқтисодий омилларнинг таъсирини камайитиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1) Бозор иқтисодиётини шакллантиришга, унинг муросасозлигини оширишга, реал мулкдорлар синфини шакиллантиришга йуналтирилган иқтисодий ислоҳотларни кетма-кет ўтказиш.

2) Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш.

3) Мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва хусусий мулкни ҳимоялаш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашнинг амалий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш.

4) Барқарор ва динамик иқтисодий ўсиш асосида инсонларнинг муносиб ҳаёт шароитларини ташкил этиш.

5) Инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларнинг замонавий ишлаб чиқаришини ташкил этиш ҳисобига мамлакат иқтисодий мустақиллигига эришиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш.

6) Макроиқтисодий барқарорлик, молия, пул-кредит тизимлари барқарорлигини таъминлаш, миллий валютани кучайтириш.

7) Аграр секторда радикал ўзгартиришларни амалга ошириш, қишлоқда бозор механизмини ривожлантириш, деҳқонларда хўжайинлик ҳиссини уйғотиш.

8) Табиий, минерал хом ашё, иқтисодий ва илмий-техника потенциалини оқилона ишлатиш, мамлакат регионларини мажмуий ривожлантириш.

9) Иқтисодиётнинг фавқулодда ҳолатларда барқарор ишлашини таъминлаш.

10) Ташқи иқтисодий интеграцияни фаоллаштириш, хорижий капитални кенг киритиш, экспорт потенциалини ривожлантириш, маҳсулот экспорти ва импорти тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

1.3. Қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асослари

Ташқи омиллардан яна бири – бу, ғалла мустақиллиги туфайли эришилган ютуқдир. 1990 – 1991 йилларда республикада ўртача 940 минг тонна ғалла йиғиб олинди, эҳтиёж учун зарур ғалланинг қолган қисми бошқа давлатлардан валюта ҳисобига келтирилди.

Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бирига айланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки собиқ совет тизими даврида қулай тупроқ-иқлим шароитига эга бўлсада, Ўзбекистонда ғаллачиликка етарли эътибор берилмас, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжи учун ғалла асосан четдан келтирилади. Бунинг устига ҳосилдорлик ҳам жуда паст эди.

Ўша пайтларда юртимизда ғалла асосан лалмикор ерларга экиларди. Ҳолбуки, бундай майдонлардан ҳамиша ҳам кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди. Шу боис Президентимиз томонидан мамлакатимизда суғориладиган майдонларда кафолатланган ҳосилдорликни ошириш, дон етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пировард натижада ғалла мустақиллигига эришиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда республикада бўйича 1 миллион 100 минг гектардан ортиқроқ суғориладиган майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилмоқда. Бу ўтган асрнинг 90-йилларидагига қараганда беш баробар кўпдир. Ўша пайтда ҳосилдорлик ўртача 22,2 центнерни ташкил этган бўлса, ҳозир 44 центнерга етди. 2005 йилда ялпи ҳосил ўша вақтдагига нисбатан 5,7 баровар, давлатга дон сотиш ҳажми 16,9 баробар ўсди ва илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, ғаллачилик соҳасида тарихий маррага эришилди.

2005 йилги мавсумда республикамиз бўйича суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртачадан 44 центнердан, Андижон вилоятида 75,1, Самарқанд вилоятидан 53,2, Наманган ва Фарғона вилоятларида қарийб 50 центнердан ҳосил олинди, қашқадарёлик ғаллакорлар эл-юртга энг кўп – 700 минг тоннадан орттиқроқ ғалла етказиб беришди.

Бундай ютуқларга эришишда ғаллачиликда меҳнатдан манфаатдорликни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, қарийб 2,3 миллион тонна ғалла оилавий пудратчи ва фермерларга бўлиб берилди. Бу муваффақиятлар, аввало, қишлоқ хўжалигида ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани, энг муҳими, деҳқонларимиз дон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидокарона меҳнат қилаётгани, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини, аввало, миллий манфаатлар ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга таянган ҳолда олиб бормоқда. Республика давлат ва халқ манфатларини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ташқи иқтисодий сиёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиниб олинган: мафкуравий курашдан қатъи назар, ташқи муносабатларда очиклик; тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; миллий давлат манфаатларини ҳар тарафлама ҳисобга олиш; умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Республикамизнинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки бир қанча йирик давлатларо лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий хавфсизлик мониторинги модели ва унда давлатнинг геополитик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда амал

қилиш имконини беради.

**1.1-расм. Худудларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни
кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар
йўналишлари**

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий негизлари яратилган. Ўзбекистонни мустақил ва суверен давлат сифатида ер юзининг 180 дан ортиқ мамлакати тан олди, 100 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди.

Бундай кенг кўламдаги ишлар натижасида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора тўлароқ қондириб борилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича сезиларли натижаларнинг қўлга киритилишида бу борада қатор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда (1.1-расм).

Ушбу чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва изчил амалга оширилиши мамлакатимизда иш билан бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромадларини

янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Барча мамлакатларда ТИФни давлат томонидан тартибга солиниши бу аввалам бор иқтисодни ёмон ижтимоий оқибатлар келтириб чиқариб, ҳаёт даражасини пасайтирадиган, ички қайта ишлашнинг мўътадил жараёнини бузадиган ички ва ташқи ёмон омиллардан муҳофаза қилиш тушуниладиган миллий иқтисодий хавфсизликдир. Қонунда иқтисодий хавфсизлик, иқтисоднинг ЎзРнинг илғор ривожланиши ва ижтимоий, сиёсий ва мудофа мавжуд бўлишининг етарли савиясини мустақиллиги ва унинг иқтисодий манфаатларини мумкин бўлган ташқи ва ички хавф ва таъсирларда нисбатан мустақиллигини таъминловчи ҳолати сифатида белгиланган.

Давлатнинг тартибга солувчи роли иқтисодий ва маъмурий услублар билан белгиланади. Ҳар икки услуб, уларнинг воситалари, муассасавий тузилиши қонунда бу услубларни руёбга чиқарувчи белгиланган ва экспортни ривожлантиришнинг давлат дастурида етарли даражада тўлиқ изоҳланган.

Иқтисодий услубларга қиймат даража - кредит, солиқ, божхона божлари, экспорт кредитларининг кафолат ва суғурта тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ, чоралар киради. Экспортни, айниқса юқори даражада ишлов берилган товарларни қўллаб-қуватлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири солиқни тартибга солишнинг қайтариш усулларида фойдаланиш билан боғлиқдир. Иқтисодий услуб импортни божхона тарифлари ва кирим божлари ва ҳар хил бож турларидан фойдаланиш йўли билан тартибга солишда ҳам ишлатилади.

Маъмурий тартибга солиш услублари деганда ташкилий-ҳуқуқий ва махсус қоидалар тизими тушунилади: миқдорий чеклашлар, квота ва лицензияларни тақсимланиши, маълум товар кўринишларига нисбатан экспорт назорати, баъзи хил товарларэкспорти ёки импорти устидан давлат монополиясини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати халқаро ҳуқуқнинг барча томондан қабул қилинган меъёрларига кўра ишлаб чиқарувчиларга жиддий зиёнини бартараф этиш ва унинг олдини олиш учун ҳимоя чораларини кўриши мумкин. Экспорт ёки

импортнинг таъқиқ ва чекланиш ҳам миллий манфаатлардан келиб чиқиб ўрнатилиши мумкин.

"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги" қонунга кўра ташқи савдо ҳамда аниқ маҳсулот турлари экспортга ва импортидаги чеклашлар ва уларни таъқиқлашлар фақат мамалакатлардаги қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, давлатнинг мудофа қобилиятини асраш ва халқаро хавфсизликни сақлаш, аҳоли соғлигини асраш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, Республиканинг маданий, тарихий ва археологик меросини асраш мақсадларида киритилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим шаклларида бири – ташқи савдо бўлиб, уни тўғри режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва амалга ошириш, аниқлигига эришиш учун таснифлаш лозим. Таснифлаш деганда халқаро тижорат келишувини олди-сотти ва товар алмашиш келишувларига ажратишни тушуниш мумкин. Бу тасниф олди-сотти келишувларида сотувчи (ташқи савдо келишувларида экспортчи деб аталади) келишув объекти бўлган товарни келишувнинг бевосита қатнашчиси бўлган харидорга (ташқи савдо келишувларида импортчи деб аталади) қандайдир пул суммасини тўлаш мажбуриятини олган тақдирда, бериш мажбуриятини олади, товар алмашиш келишувларида эса бир товар келишув турига боғлиқ шартларга риоя қилинган тарзда иккинчисига алмаштирилади. Табиийки, олди-сотти ва товар алмаштириш тўғрисидаги келишувларда товарни чет элга олиб кетиш (экспорт) ёки чет элдан олиб келиш (импорт) бўлади.

Лекин олди-сотти келишувларида, шартли қилиб айтганда, аниқ кўринишдаги экспорт ва импортга дуч келамиз; бундай келишувларда бир контрагент (савдо шериги) ҳар бир шартномада фақат сотувчи-экспортчи ёки фақат харидор-импортчи бўла олади, қарама- қарши савдо келишувлари деб аталадиган товар алмашиш операцияларида эса битта контрагент бир хил товарлар импортчиси ва бошқаларининг экспортчиси бўла туриб, харидор мамлакатининг бошқа тадбиркорларидан қандайдир товарлар сотиб олиш мажбуриятини олади (яъни импортчи бўлади). қарши савдо келишувларнинг бир қанча турлари бўлиб,

шу маъруза матнининг кейинги бўлимларида уларга таъриф берилган.

Халқаро савдода реэкспорт ва реимпорт тушунчалари ҳам мавжуддир. Реэкспорт операциялари мамлакатга олдин олиб кирилган товарларни қайта ишловсиз олиб кетиш ва сотишни назарда тутди. Товарларни ўзига олиб келган ва кейин учинчи мамлакатга олиб чиққан мамлакат (ёки ундаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари) реэкспортчи деб аталади. Реэкспорт операциялари реэкспортчи билан икки ташқи савдо шартномасининг тузилишини назарда тутди. Биринчи шартномага кўра, у товарни сотиб олади, иккинчисига кўра эса сотади. Ўзбекистоннинг немис автомобильларини Хитойга реэкспорт қилишини мисол сифатида кўриб чиқамиз.

Реэкспортчи битимларининг энг асосий шарти шуки, реэкспортчи товарларни қайта ишлашга йўл қўймайди, тузилиши ва дизайнига ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди. Реэкспорт операциялари асосан охириги импортчининг буюртмасига биноан амалга оширилади.

Агар у экспортчи мамлакат бозорига чиқа олмаса ва бу чиқиш учун харажатларни хоҳламаса, унга экспортчи билан яхши алоқада бўлган реэкспортчига мурожаат қилиш осонроқ, балки реэкспортчи охириги импортчи олдидаги қандайдир бошқа мажбуриятлар учун унга сотувнинг фойдалироқ шартларини таклиф этиши мумкин. Баъзан алоҳида мамлакатларга нсибатан экспорт ёки импортни чекловчи савдо-сиёсий шароитлар реэкспорт операцияларига сабаб бўлади.

Агар сотувчи учинчи мамлакатда товарни сотиш ҳуқуқини чекламоқчи бўлса, одатда бу нарса ўз сотиш бозорлари манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлади, бу нарса олди-сотди шартномасида аниқ кўрсатилиши керак.

Реимпорт операциялари ўз моҳиятига кўра – амалга ошмаган экспорт операцияларидир, улар мамлакатга ундан олдин олиб кетилган товарларни қайта олиб келишни билдиради. Уларга харидор томонидан брак қилинган, аукционда сотилмаган, консигнацион омборлар орқали сотилмаган товарларнинг қайтариб келиши киради. Реимпорт операцияларининг асосий белгиларидан бири

мамлакатда чиқарилган товарларнинг ўз мамлакати чегарасини икки марта, яъни олиб чиқишда ва олиб келишда кесиб ўтишидир. Кўргазма ва ярмаркадан қайтарилаётган товарлар реимпорт қилишга кирмайди.


II-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ОРҚАЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳолати таҳлили

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, Ўтган 2013 йилда мамлакатимизда ислохотлар дастури давом эттирилиб, ундан ўрин олган муҳим чоралар ва тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносиблик янада мустаҳкамланди, иқтисодиётимиз модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланди.

Маълумки, жаҳон амалиётида мамлакатларнинг йиллар бўйича ижтимоий иқтисодий ривожланиши уларда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички

махсулотнинг ўсиш суръатлари орқали аниқланади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу миллий иқтисодиётда муйян давр (масалан, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархларидаги ифодасидир.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

ЯИМнинг ўсиш суръати одатда олдинги йилга нисбатан фоизларда ўлчанади. Жумладан, 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 8 фоизга ўсиб, унинг мутлақ ҳажми 119,0 трлн. сўмга тенг бўлди (2.1-расм).

2.1-расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 8,2 фоиздан юқори бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши, унинг жаҳондаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

2.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2	13,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш


Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2.1-жадвал).

2.1-жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 53,0 фоизни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2012 йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсиши кузатилди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача 5,1 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2013 йилда 16,8 фоизгача камайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди.

Дехқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига деҳқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2013 йилда 59,8 фоизгача ошишига эришилган бўлса, чорвачилик улуши эса 44,4 фоиздан 40,2 фоизгача камайди (2.2,2.3,2.4-расмлар).




2.2-расм. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (%да)¹²

¹² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.



2.3-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушини таркибий ўзгаришлари тенденцияси (%да)¹³



2.4-расм. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда банд аҳоли ва жами инвестициялардаги улуши (%да)¹⁴


¹³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнининг самарали амалга оширилиши тармоқда нодавлат сектор улуши 99,9 фоиз даражагача етиб, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилганлиги, уруғ ва чорва моллари зотларининг яхшиланиши, агротехнологик тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлиги ҳамда маҳсулдорлигини ўсиши каби агротехнологик омиллар билан бир қаторда, рентабелсиз ёки зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжалиklarини ташкил этиш, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштиришга эришилди ва экин майдонларини оптималлаштириш натижасида ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга ўтиши учун имкон яратмоқда. Бу эса муҳим омил ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари ўртасида республикамиз қишлоқ хўжалиги ўзининг барқарор юқори суръатларда ривожланаётганлиги билан ажралиб туради. 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожланиш суръатлари даражасига кўра – паст, ўрта ва юқори даражадаги ривожланишда Россия (3,8%), Қозоғистон (4,2%), Украина (4,7%) кўрсаткичлар билан ўртача ўсиш суръатларига эга бўлган бўлса, Ўзбекистон 6,2 фоиз ўртача ўсиш кўрсаткичлари билан юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар рўйхатида мустаҳкам ўринни эгаллаб келаётганлиги ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим ижобий натижаларидандир (2.5-расм).




Манба: МДХ давлатлараро статистика қўмитаси маълумотлари асосида ПМТИ ҳисоб – китоблари.

2.5-расм. МДХ мамлакатларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари (%да)

Қишлоқ хўжалигида ривожланиш омиллари ҳисобланган-агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқни барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу йўналишда тармоқда қиймат жиҳатдан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради. Таҳлил этилаётган даврда деҳқончилик ва чорвачиликдаги нисбатларнинг ўсимлик парваришлаш фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хомашёси ва ғалладан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари улушини кескин ўсаётганлиги ҳисобидандир.

Жумладан, сабзаёт (2005 йилда 7,4% дан 2013 йилда 14,6%га), картошка (3,8% дан 10,8%га), полиз экинлари (1,1 %дан 2,7%га), мевалар (4,2%дан 6,4%га) ва узум етиштириш (2,6%дан 6,2%га) жами 19,1дан 40,7 %га ошганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир. Чорвачилик улушининг пасайиши эса, мос равишда бевосита асосий маҳсулотлар ҳисобланган гўштнинг (24,7 дан 24,6 %га), сут (13,2%дан 12,0%га) ва тухумнинг (3,0%дан 2,4 %га) улуши қисқариши ҳисобига содир бўлганлигини

таъкидлаш жоиз (2.6-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2.6-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот турлари бўйича қиймат тузилиши (%) да)

Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёни фермерликни, деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг асосий шаклларида бирига айлантди. Қайта тузиш жараёни қишлоқ хўжалиги корхоналарининг (ширкат хўжаликларининг) тармоқ ялпи маҳсулотидagi улушини 2005 йилдаги 14,0 фоиздан 2013 йилда 2,0 фоизгача ёки 12,0 фоизли қисқаришига олиб келди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг барқарор ва самарали ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ширкат хўжаликлари муайян камчиликларни бартараф этишнинг ягона ва мақбул йўли уларни фермер хўжаликларига айлантдириш эканлигида намоён бўлди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 607-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, 2005-2007 йиллар мобайнида зарар кўриб ишлайдиган, паст

рентабелли ва истиқболсиз 1110 ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳамда шу давр мабайнида қишлоқларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг янги дастури ишлаб чиқилди. Жумладан, 2005 йилда 406 та, 2006 йилда 370 та, 2007 йилда 334 та истиқболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида танлов асосида 146914 фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори қабул қилиниши республикамизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга юксак даражада давлат эътибори қаратила бошланганлигидан далолат беради.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари очик ва адолатли танловлар ўтказиш йўли билан ташкил этилиб, мавжуд боғ ва узумзорлар кимошди савдосида сотилиши ва боғлар жойлашган ер майдонлари узоқ муддатли ижара асосида фермерларга бириктирилиши, боғдорчилик соҳасида ҳам фермер хўжаликларининг кенг ривож топишини таъмин этди.

2.2-жадвал

2013 йилда ҳудудларда узум ишлаб чиқарилиши, ишлатилиши ва экспортга чиқарилиши таҳлили

Вилоятлар	Ишлаб чиқариш - жами				Ишлатилиши:											
	2013й. прогноз	2013й. факт	фарқи, (+;-)	%	қайта ишлашга				экспортга				аҳоли истеъмолига			
					2013й. Прогноз	2013й. факт	фарқи, (+;-)	%	2013й. Прогноз	2013й. факт	фарқи, (+;-)	%	2013й. Прогноз	2013й. факт	фарқи, (+;-)	%
Қорақолпоғистон Республикаси	4,4	4,5	0,1	102,3	0,2	0,2	0	100	0,2	0,06	-0,1	32,3	4	4,2	0,2	105,9

Андижон	56,7	57,3	0,6	101,1	8,8	9	0,2	102,3	2	2,72	0,7	135,9	45,9	45,6	-0,3	99,3
Бухоро	124,7	140	15,3	112,3	25	26	1	104	2	0,08	-1,9	4	97,7	113,9	16,2	116,6
Жиззах	32	27,5	-4,5	85,9	4,5	4,6	0,1	102,2	1,5	0,05	-1,4	3,6	26	22,8	-3,2	87,9
Қашқадарё	81,4	76	-5,4	9,4	19,5	19,8	0,3	101,5	1,5	0,15	-1,4	9,7	60,4	56,1	-4,3	92,8
Навоний	57,3	59,4	2,1	103,7	2	2,2	0,2	110	0,5	0,002	-0,5	0,5	54,8	57,2	2,4	104,4
Наманган	98,6	98,6	0	100	35	35,6	0,6	101,7	2	0,003	-2	0,2	61,6	63	1,4	102,3
Самарқанд	448,2	468,1	19,9	104,4	90	91	1	101,1	15	16,84	1,8	112,3	343,2	360,3	17,1	105
Сурхондарё	102,2	113	10,8	110,6	18	19	1	105,6	2	0,002	-2	0,1	82,2	94	11,8	114,4
Сирдарё	10,2	10,8	0,6	105,9	4	4,2	0,2	105	2	1,68	-0,3	83,9	4,2	4,9	0,7	117,2
Тошкент вилояти	142,3	141	-1,3	99,1	78,5	79	0,5	100,6	16	3,13	-12,9	19,5	47,8	58,9	11,1	123,2
Фарғона	84,6	92,7	8,1	109,6	9,2	9,7	0,5	105,4	10	1,02	-9	10,2	65,4	82	16,6	125,3
Хоразм	33	33,2	0,2	100,6	4,4	4,6	0,2	104,5	1,6	0,09	-1,5	5,5	27	28,5	1,5	105,6
Тошкент шаҳри					1,5	1,6	0,1	106,7	15	17,81	2,8	118,7				
Жами	1275,6	1322,1	46,5	103,6	300,6	306,5	5,9	102	71,3	43,6	-27,7	61,2	903,7	972	68,3	107,6

Янгидан ташкил этилган боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга; фермер хўжаликлари, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иштирокида ихтиёрийлик асосида янгидан ташкил этилган агросаноат фирмалари эса даромад (фойда) солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан - 3 йил муддатга озод қилинди.

Айни пайтда солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, янги боғ ва узумзорлар яратиш, кенгайтиришга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ушбу тадбирлар янги боғ ва узумзорлар барпо этилишини ҳамда мавжудларининг ҳосилдорлигини оширишни, агросаноат фирмалари ташкил қилишни рағбатлантирувчи муҳим иқтисодий дастак вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида" 2004 йил 4 ноябрдаги Ф-2069-сон Фармойишини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжалиklarини

жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг .2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликларини 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастури; 2005 йилда фермер хўжаликларига айлантириладиган истикболсиз ширкат хўжаликлари рўйхати; 2005-2007 йиллар даврида қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

2.2. Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи савдо муносабатлари ва унинг кўрсаткичлари таҳлили

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Ташқи савдо айланмаси диверсификацияси – экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий

ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ҳар қандай мамлакат ташқи савдосининг ҳолатини унинг савдо баланси орқали баҳолаш мумкин. Ташқи савдо баланси товарларнинг экспорт, импорт ва реэкспорт операциялари бўйича барча пул тушуми ва тўловларининг нисбатини ифода этади. Савдо баланси, ўз навбатида, мамлакат тўлов балансининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тўлов баланси хорижий ҳамкорлар билан нафақат товар, балки пул соҳасида ҳам амалга ошириладиган операцияларни акс эттиради.

Ижобий сальдога эга тўлов-савдо баланслари (хорижий давлатлардан келадиган пул тушумлари миқдори уларга тўланадиган пул тўловлари миқдоридан кўп бўлган ҳолат) актив, манфий сальдо (пул тўловлари пул тушумларидан кўп бўлган ҳолат) эса пассив баланс деб аталади. Дунёдаги ҳар бир мамлакат актив балансга эга бўлишга интилади, чунки манфий сальдо давлатнинг олтин-валюта захираси ёки давлат қарзи ҳисобидан қопланади.

2013 йилда республикамиз ташқи савдо айланмаси 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 10,9 фоизга ва импорт ҳажми 7,7 фоизга ўсди. Бунда ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1,3 млрд. долларни ташкил этди.

Умумий экспорт таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 72 фоиздан зиёдни ташкил этди¹⁵.

Барчамизга маълум, Президентимиз ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама

¹⁵ 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // ЎзР Марказий банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz>

қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантиришни 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг бири сифатида белгилаб бердилар. Ушбу чора-тадбирларнинг аксарият қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини янада кенгайтишига қаратилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан фойдаланиш янада ошиб бормоқда (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокни кенгайтиш чора-тадбирлари¹⁶

Чора-тадбирлар йўналишлари	2013 йилдаги чоралар ва натижалар
1. Имтиёз ва преференциялар йўналишида:	
Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллийлаштириш, инвестиция, модернизация ҳамда техник-технологик қайта жиҳозлаш дастурлар доирасида олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом-ашё ва материаллар божхона тўловларидан озод қилинган.	2013 йилда бундай имтиёзлар 10,5 трлн. сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан (7,7 трлн. сўм) 2,8 трлн. сўмга ёки 36,2 фоизга кўпайди.
2. Экспорт йўналишидаги қулайликлар:	
Экспортни қўллаб-қувватлашда жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторида республикада 1997 йилдан буён экспорт божхона бож бекор қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони). 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун экспорт шартномалари бевосита расмийлаштирув жараёнида божхона постларида ҳисобга қўйилмоқда. Товарларни “экспорт” га расмийлаштириш учун божхона йиғими ставкаси 0,2% дан 0,1%га туширилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли қарори).	Божхона назорати муддати қатъий уч йил, қўшимча божхона тўловларини ундириш эса бир йил қилиб белгиланиши билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада енгиллик яратилди (2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сон ЎзР Қонуни билан Божхона кодексининг 51-моддасига ўзгартириш киритилган).
3. Рухсат бериш тартиботларини қисқартирилиши йўналишида:	

¹⁶ Дусанов З.А. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлат ва назорат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг асосий вазифалари, роли ва масъулияти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари. Тошкент, 2014.

<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармони билан айрим ҳисобот турлари ва даврийлиги қисқартирилди, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 та (шундан 14 таси бевосита божхона соҳасига доир) рухсат бериш тартиботлари ва 15 та фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди.</p>	<p>Рухсат бериш тартиб таомилларини қисқартирилиши натижасида божхона расмийлаштируви муддати 10 кундан 3 кунга туширилди.</p>
<p>4. “Бир дарча” тамойили йўналишида:</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 305-сонли қарорига мувофиқ 14 та ТИФ божхона постларида “бир дарча” тамойили асосидаги механизм жорий этилди.</p> <p>Ушбу механизм орқали сертификат ва рухсатномалар бериш жараёни 15 кундан 3 кунгача, божхона расмийлаштируви 10 кундан 1 кунгача қисқарди.</p> <p>Маълумот учун. “Бир дарча” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш учун Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан (КОИКА) 5,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги грант маблағлари ажратилиши белгиланган.</p>	<p>2013 йил давомида “бир дарча” тамойилида 31,5 мингга яқин тегишли сертификат ва рухсатномалар берилиб, 18 мингдан ортиқ БЮД билан 1,2 млн. АҚШ доллари ҳажмида товарлар расмийлаштирилди.</p>
<p>5. Интерактив хизматларни жорий этиш йўналишида:</p>	
<p>Ҳозирги кунда божхона органлари томонидан Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига веб-сайт орқали қуйидаги 8 та интерактив хизматлар тақдим этилмоқда.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Электрон декларациялаш; 2) Божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар; 3) Товарларнинг божхона қиймати нарх бюллетени; 4) Мажбурий тартибда сертификатланадиган товарлар; 5) Божхона брокерлари; 6) Божхона омборлари; 7) Эркин омборлар; 8) Бож олинмайдиган дўконлар. <p>Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Товарларни электрон шаклда божхона расмийлаштируви процедураси тўғрисида”ги 370-сон қарори билан товарларни электрон декларациялаш тизими жорий этилди.</p>	<p>2013 йилда 146 мингта (39,2%) БЮД электрон шаклда расмийлаштирилди. Яратилган имкониятлар ва олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида йил охирига келиб электрон расмийлаштирув ортди ва декабрь ойида 95,5 фоизни ташкил этди.</p> <p>Шу билан бирга, ДБҚ веб-сайтида саволлар ва жавоблар рукни ташкил этилиб, тадбиркорлик субъектларини қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар бериб келинмоқда.</p> <p>Бу тизим божхона расмийлаштируви жараёнида инсон омиллини кескин камайтириш ва расмийлаштирув вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди.</p>
<p>Ҳозирги кунда ДБҚ веб-сайтида жорий этиш ишлари олиб борилаётган ахборот хавфсизлиги кафолатланган “Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг шахсий кабинети” тизими доирасида 5 та интерактив хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ташқи савдо иштирокчисининг шахсий кабинети; 2) Автомобилда ташилаётган юклар; 3) Темир йўлда ташилаётган юклар; 4) Амалга оширилган божхона тўловлари; 5) Божхона омборидаги юклар. 	<p>Ушбу тизимда тадбиркорлик субъекти амалдаги қонунчилик нормалари, ўзига тегишли декларациялар, божхона органи депозит ҳисоб-рақамидаги маблағлари, товарларнинг тегишли режимлардаги ҳаракати, ундирилиши қутилаётган тўловлар, кўзда тутилган имтиёзлар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишиш имкониятлари яратилади.</p> <p>Бундан ташқари, келгусида ушбу маълумотларни уяли алоқа воситалари ёки бошқа ахборот тизимлари орқали масофавий амалга ошириш тизимини яратиш</p>

	режалаштирилган.
--	------------------

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

2.7-расм. Ташқи савдо айланмасининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ташқи савдо сиёсатида экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат

Ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

2.3. Ҳалқаро иқтисодиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик-ташқи иқтисодий омил сифатида

Ўзбекистоннинг кўшни давлатларга иқтисодий боғлиқлиги, унинг халқаро транспорт магистралларига чиқадиган йўллари йўқлигида, яъни геополитик жойлашувида бўлиб, буларни бартараф қилиш мониторинг моделини ишлаб чиққан ва унинг амалиёти ТРАСЕКА лойиҳаси, Афғонистон орқали (Термиз – Ҳирот) Эрон бандоргоҳларига чиқиш.

Мамлакатимиз Осиёни Европа билан боғлаб турувчи муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақада жойлашган. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан коммуникация ва транспорт, жумладан, темир йўл соҳасини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Биргина 2003 йилнинг биринчи ярмида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси орқали миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юклари жўнатилди ва 7,6 миллион йўловчи ташилди. Йўловчи ташиш ҳажмини ошириш учун Тошкент – Самарқанд йўналишида тезюрар электр поездлари, Андижон – Саратов ва Тошкент – Харьков йўналишларида халқаро йўловчи ташиш поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида темир йўл транспортини янада ривожлантириш мақсадида Навоий – Мискан – Нукус темир йўли ишга туширилди, Тошсоқа пасёлкаси яқинида Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилмоқда. Бу эса республикамизни янги шимолий қисмдан хорижий давлатларга чиқишини таъминлайди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада

тараққий эттириш мақсадида Ғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг янги линияси қурилишини жадаллаштириш ва келажакда Тошкент – Мозори Шариф, Ҳирот ва Эрон бандаргоҳлари орқали Ҳинд океанига чиқиш имконияти яратилади.

Кейинги ташқи омиллардан бири – бу, дунё бозори конъюнктураси ўзгаришининг таъсиридир. Хом ашё баҳосининг ўзгариб туриши, хом ашё бозори сифими экспортдан келадиган фойданинг умумий даражасига таъсир кўрсатиши ички маҳсулотлар ҳажмида ҳам номоён бўлади. Чунончи, кейинги уч йил мобайнида хом ашё баҳосининг пасайиши ва БМТ давлатлари экспорти барьерларининг кирритилиши ташқи савдо аҳволни янада кескинлаштирди. Шунинг учун мамлакатимизда маркетинг тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали маҳаллий бозорларда ўзаро рақобат курашини самарали шакллантиришда яққол ифодасини топмоқда.

Бугун кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, бозорнинг маҳаллий рақобатбардош маҳсулот билан таъминланганлик даражаси ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, товар сифати ошишига, хизмат кўрсатиш турларининг ранг-баранг ва сифатли ташкил этилишига, ниҳоят, нарх-наво бозордаги талабга мувофиқ шакллантирилишига олиб келмоқда. Шу тариқа иқтисодий хавфсизлик ички бозордагина эмас, балки ташқи омил – жаҳон бозорида ҳам ўз ўрни ва доимий харидорини топмоқда. Бу эса мустақил Ўзбекистоннинг халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллашига имкон яратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маркетинг мустақил республикамиз иқтисодиётини замон талабларига мос равишда ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга ва унинг иқтисодиётини ташқи хавфсизликдан ҳимоя қилади.

Мустақил республикамиз дунё бозорида экспортбоп маҳсулотлари билан муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Умид қиламизки, замонавий маркетинг тизимини янада ривожлантириш орқали ташқи хавфсизлик омилларини бартараф қилиб, яқин келажакда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси туширилган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат кўшни Осиё ва яқин Европа мамлакатлари, балки

Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари, қолаверса, океан ортида жойлашган Шимолий Америка қитъаси бозорларида ҳам ўз рақобатбардошлиги билан алоҳида эътиборга сазовар бўлади.

Шундай қилиб, давлатнинг миллий хавфсизлигига, мустақиллигига хавф солувчи бир нечта реакция турлари ажратилган:

- пассив – иқтисодий автономликнинг йўқотилиши ва эркин иқтисодий сиёсатдан воз кечиш;
- агрессив – фақат сақлаб қолиш бўлибгина қолмай, балки ташқи иқтисодий ҳаракат доирасига чиқиш;
- конструктив – биргаликда иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, боғлиқликни минималлаштиришга уриниш.

Бу борада Ўзбекистон конструктив иқтисодий сиёсатни қўллаши зарур. Албатта, иқтисодиётнинг хавфсизлиги ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш лозим. Шу билан биргаликда, Ўзбекистоннинг географик жойлашувини эътиборга олиб, қўшни давлатлар – Россия, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой билан иқтисодий интеграциясини ва сиёсий бошқарувни йўлга қўйиш муҳим. Бугунги кунда ўз миллий ва иқтисодий хавфсизлигини ёлғиз ўзи таъминлай оладиган бирон бир давлат ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳ йўқ.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳуқуқини амалга ошира бориб, бир қанча етакчи халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлди.

Чунончи, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзоликка қабул қилинди (1992 йил 2 март). 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди ва ўз фаолиятини бошлади, БМТ ҳузурида (Нью-Йоркда) ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси ишлай бошлади.

Ўзбекистон БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқаларга аъзодир.

Республика жуда кўп халқаро ташкилотлар, чунончи, Ўзбекистон Жаҳон

почта уюшмаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси, Осий-Тинч океани ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантик ҳамкорлик кенгаши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қўшилмаслик ҳаракати, Божхоналар ҳамкорлиги кенгаши, Халқаро олимпия кўмитаси, Жаҳон материология ташкилоти, АТСМ-энергияси бўйича Халқаро агентлик, халқаро автомобиллар уюшмаси ва ҳоказолар таркибига киради.

Бундан ташқари Ўзбекистон бир қанча халқаро битим ва конвенцияларга қўшилган. Улар орасида монлап протоколи (1993 йил 18 май), атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция (1993 йил 26 май), ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома (1993 йил 4 октябрь) бор.

Ўзбекистонда кўплаб халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шу жумладан, БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари, Халқаро валюта фонди, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишларини мувофиқлаштирувчи Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, норкотик моддалар устидан назорат қилиш дастури, саноат тараққиёти дастури, Болалар Жамғармасининг ваколатхоналари очилган.

Республикада йирик халқаро учрашувлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиб турилиши бу ерда иқтисодий хавфсизлик мониторингини рўёбга чиқариш ва давлатнинг геологик жойлашувидан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

**III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**3.1. Қишлоқ хўжалигида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб
чиқаришни такомиллаштириш**

Мева-сабзавотчилик соҳасида улкан экспорт салоҳиятига эга бўлишига қарамай, 2011 йилда республика экспортининг товарлар таркибида истеъмолга йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши бор-йўғи 13,2 %ни ташкил этган. Шу билан бирга, ўзимизнинг ички имкониятларимиз яхшилигига қарамай, четдан харид қилинган озиқ-овқатлар жами импортнинг 12,4 %ини ташкил этмоқда.

3.1-жадвал

Республикадан мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари

экспорти кўрсаткичлари, 2012 й.

Маҳсулот турлари	Экспортга чиқарилган хили	Экспорт ҳажми		2011 йилга нисбатан ўзгариш,	
		минг тонна	млн. АҚШ доллари	физик ҳажмда, %да	қиймат кўрсаткичида, %да
Хўл мева-сабзавот ва узум	38	668,5	1 511,2	120,6%	172,5%
Қайта ишланган мева-сабзавот ва узум	59	54,5	46,5	83,0%	105,7%
Қуруқ мевалар	32	102,9	335,2	140,8%	144,2%
ЖАМИ	129	823,6	1 895,5	119,7%	164,1%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

Мамлакатимизда етиштирилаётган хўл мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг таркиби бўйича экспорт ҳажмлари 14-жадвалда келтирилган. 2011 йилда республикамиздан жами 38 хилдаги умумий қиймати 1 511,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 668,5 минг тонна хўл мева ва сабзавотлар, 46,5 млн. АҚШ долларига тенг 59 хилдаги 54,5 минг тонна қайта ишланган мева ва сабзавотлар, 335,2 минг АҚШ долларига тенг 32 хилдаги 102,9 минг тонна қуруқ мевалар экспорт қилинган (3.1-жадвал).

3.2-жадвал

Республикада мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг алоҳида турлари бўйича экспорт ҳажми

Мева-сабзавот турлари	Экспорт, минг тонна				
	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Сабзавотлар	126,4	155,9	318,2	324,3	341,9
Помидор	14,4	17,8	36,3	36,9	39,0
Бодринг	3,5	4,3	8,8	9,0	9,5
Сабзи	11,9	14,7	30,0	30,5	32,2
Пиёз ва саримсоқ	29,9	36,9	75,3	76,7	80,9
Карам	12	14,8	30,2	30,8	32,5

Бошқа сабзавотлар	54,7	67,5	137,7	140,3	148,0
Полиз	73,6	92,9	121,8	125,4	134,1
Мевалар, жами	93,7	95,4	127,5	132,7	139,1
Олма	20,5	20,9	34,9	36,3	38,0
Нок	0,2	0,2	0,3	0,4	0,4
Беҳи	0,9	0,9	1,5	1,6	1,7
Олхўри	3,9	4,0	6,6	6,9	7,2
Олча	0,1	0,1	0,2	0,2	0,2
Гилос	0,1	0,1	0,2	0,2	0,2
Ўрик	10,1	10,3	17,2	17,9	18,7
Шафтоли	5,4	5,5	9,2	9,6	10,0
Хурмо	41,4	42,2	70,4	73,3	76,8
Анор	4,4	4,5	7,5	7,8	8,2
Бошқа мевалар	6,7	6,8	11,4	11,9	12,4
Узум	83,3	91,2	85,3	86,1	90,0
Жами	377,0	435,4	652,8	668,5	705,1

Манба: Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Жами экспорт ҳажми 823,6 минг тоннани ташкил этиб, қиймати 1 895,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан экспорт ҳажми 119,7 %га, қиймат кўрсаткичида 164,1 %га ошган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини маҳсулот турлари мисолида кўрадиган бўлсак, республика бўйича 2011 йилда 2008 йилга нисбатан сабзавотлар 126,4 минг тоннадан 324,3 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 73,6 минг тоннадан 125,4 минг тоннага, мевалар 93,7 минг тоннадан 132,7 минг тоннага, узум 83,3 минг тоннадан 86,1 минг тоннага ошган бўлса, 2012 йилда жами 341,9 минг тонна сабзавотлар, 134,1 минг тонна полиз, 139,1 минг тонна мевалар ва 90,0 минг тонна узум маҳсулотлари экспорт қилиш прогноз қилинган (3.2-жадвал).

Ўзбекистоннинг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг географик таркиби муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларига кўра 2011 йилда ҳўл, қайта ишланган ва қурук мева-сабзавотлар дунёнинг 48 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бу кўрсаткич

2010 йилга нисбатан 2011 йилда экспортнинг географик таркиби 10 та мамлакатга кенгайганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида энг асосий йирик ҳамкор мамлакатлар сифатида Қозоғистон (45,6 %) ва Россияни (39,0 %) келтириш мумкин (3.3-жадвал).

Ўтган 2011 йилда жами экспорт қилинган 823,6 минг тонна ҳўл, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг 357,7 минг тоннаси ёки 45,6 %и Қозоғистонга, 321,3 минг тоннаси ёки 39,0 %и Россияга, 42,6 минг тоннаси ёки 5,17 %и Афғонистонга, 14,9 минг тоннаси ёки 1,81 %и Туркияга, 12,3 минг тоннаси ёки 1,5 %и Эронга, 11,8 минг тоннаси ёки 1,43 %и Хитойга, 9,4 минг тоннаси ёки 1,14 %и Туркманистонга, 8,8 минг тоннаси ёки 1,06 %и Украинага тўғри келади. Қолган ҳамкор мамлакатлар сирасига Ироқ (0,48 %и), Бирлашган Араб Амирликлари (0,42 %и), Ҳиндистон (0,38 %и). Озарбайжон (0,3 %и), Латвия (0,26 %и) ва Нидерландия (0,17 %и) мамлакатларини киритиш мумкин. Бошқа мамлакатларнинг экспортдаги улуши жамига нисбатан 10,1 %ни ташкил этган.

3.3-жадвал

Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга экспорт қилинган ҳўл, қайта ишланган ва қуруқ мева-сабзавот маҳсулотларнинг географик таркиби, давлатлар кесимида (2012 й.)

№	Мамлакатлар	Экспорт миқдори, минг тонна	Жами экспортга нисбатан салмоғи, %да
1.	Қозоғистон	375,7	45,6
2.	Россия	321,3	39,0
3.	Афғонистон	42,6	5,17
4.	Туркия	14,9	1,81
5.	Эрон	12,3	1,5
6.	Хитой	11,8	1,43
7.	Туркманистон	9,4	1,14
8.	Украина	8,8	1,06
9.	Ироқ	4,0	0,48
10.	Бирлашган Араб	3,5	0,42

	Амирликлари		
11.	Ҳиндистон	3,1	0,38
12.	Озарбайжон	2,5	0,3
13.	Латвия	2,2	0,26
14.	Нидерландия	1,4	0,17
15.	Бошқа мамлакатлар	10,1	1,23
ЖАМИ:		823,6	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, уларни қадокланиш даражасига эътиборни қаратиш ҳамда унинг экспорт географиясини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Энг аввало МДҲ мамлакатлари доирасида интеграциялашувни кучайтириш, Россия ва Қозоғистоннинг улкан сиғимли бозорларига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада қулай имкониятлар яратилганига қарамай қуйидаги муаммолар тармоқнинг ташқи бозорларга интеграциясини чегаралаб келмоқда:

- республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиройли қадоклаш, махсус совуткичларда сақлаб туриш ва рефрижераторлар ёрдамида узоқ масофаларга ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаган;

- кўпчилик фермерлар ва деҳқонлар жаҳон бозорларидаги нарх-наволар, конъюктура ва рақобат муҳити, экспорт опреацияларини амалга ошириш тартиблари, жаҳон бозорларида амал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий қонунлар ва қоидалар тўғрисида керакли билим ва кўникмаларга ҳамда ишончли ахборотлар каналларига эга эмас;

- жаҳон бозорларида мавжуд кучли рақобат муҳити ҳамда маҳсулотлар мўл-кўллиги шароитида ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш тадбирларисиз, миллий

экспортерларимиз халқаро бозорлардаги рақобатга бардош беролмаслиги мумкин.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;

- хўл, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот, полиз, узум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш ҳамда жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш учун сифат стандартлари ва техник регламентлашнинг халқаро андозаларини тизимли жорий этиш ишларини жадаллаштириш;

- худудларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида уларнинг тижорат таклифларини ташқи савдо компанияларига етказиш ва бириктириш;

- хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот, полиз, узум ва бошқа озиқ-овқат экспорт қиладиган субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда улар божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;

- экспортчи корхоналар ва жисмоний шахсларни жаҳон озиқ-овқат бозорлари конъюктураси ва нархлари, транспорт коридорларининг шарт-шароитлари ва транспорт таърифлари, божхонада расмийлаштириш шартлари билан доимий равишда таништириб туриш ва бу борага ихтисослашган консалтинг хизматларини кенгайтириш.

Бу тадбирларни амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ошишига, қишлоқ жойларда саноатнинг ривожланишига ва янги иш ўринларини яратилишига, хомашёга асосланган иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётга ўтишга, ялпи ички маҳсулот таркибида қўшилган қиймат салмоғининг ортишига, тайёр маҳсулотлар ассортименти кенгайиши ва сифатининг ошишига, қайта ишлаш саноати

маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга, тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши ва экспорт салоҳиятини юксалишига замин яратади.

3.2. Ўзбекистон халқаро иқтисодиёт ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларини янада кўчайтириш муаммолари

Ўзбекистон халқаро иқтисодиёт ҳамжамиятига интеграциялашувда йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланган шакллари кўллаш асосидаги экспорт фаолиятининг фойдалилиги ва кенг кўламлигини оширишнинг узоқ эволюцион жараёни деб тушуниладиган ўзбек экспорти тузилмасини такомиллаштириш зарур. Бу мақсадни амалга ошириш учун фақат ташқи иқтисодий соҳада эмас, балки қонунчиликда ҳам муаммолар комплексини ҳал этиш зарур. Айтилган соҳалардаги масалаларни ечишда ҳар қандай давлат, шунингдек, бизнинг давлатимиз ҳам халқаро амалиётда вужудга келган қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиши зарур.

1. Халқаро ташкилотлар талабларини инобатга олиш. Масалан, ГАТТ – УСТнинг божхона-тариф тартибга солиш борасидаги:

- Бутунжаҳон божхона ташкилотининг божхона процедуралари ва уларни бир хиллашириш тўғрисидаги;

- Европа иттифоқининг товарларнинг баъзи турлари, масалан, тўқимачилик товарларига нисбатан экспорт квоталарига риоя қилинишига нисбатан;

- БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бўлмиш МАГАТЕ (АЭХА) - атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг - махсус товарлар ҳам тинч, ҳам ҳарбий мақсадларда қўлланиши мумкин бўлган ядро материаллари ва жиҳозларига нисбатан махсус талаблари.

2. Ташқи савдони эркинлаштириш.

3. Халқаро баҳолар билан савдо.

4. Аниқ валюта бозорини киритиш.

5. Шерик мамалакатлар билан тўлов-савдо мувозанатини тенглаштириш.

Халқаро амалиётга кўра, Ўзбекистон ўз стратегик мақсадларга эришишига ёрдам берадиган ташқи савдо соҳасидаги масалаларни ечиши зарур. Бунда, биринчидан, Республиканинг Умумжаҳон Савдо Ташкилотига кириши тўғрисида боради, яъни Ўзбекистоннинг ҳар қандай мамлакат билан икки томонлама ташқи савдо сиёсати борасида УСТ тизимларида савдо баҳсларини кўриб чиқиш имкониятлари, Ўзбекистон товарларига миқдорий чеклашлар киритиш жараёнини мураккаблаштириш, қарши талабларни келишиш ва бошқа кўплаб имкониятларни берувчи кўп томонлама сиёсатга айланди.

Иккинчидан, бу хорижий мамлакатлар билан ўзаро савдони эркинлаштириш, манфаатдор мамлакатлар орасидаги савдо оқимининг тузилиши ва ўзгариши масалаларини савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар даражасида ечишдир.

Ўзбекистон ва ЕИ орасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзбек товарларининг ЕИга аъзо мамалакатлар бозорларига киришига ёрдам беради, унинг асосида Ўзбекистон ва бир қанча Европа мамлакатлари ўртасида миллий буюмларни ГФР худудига киритишнинг шароитлари тўғрисидаги битим имзоланди.

Учинчидан, ташқи сиёсат соҳасидаги вазифа минтақавий гуруҳларга аъзо мамлакатларнинг коллектив протекционизмга қарши туриш имконини берувчи

савдо-сиёсий бирлашмалар тузишдир. Икки томонлама солиқ солишни истисно қилиш ва капитал киритишни ҳимоя қилиш, ТИФ қатнашчиларининг консультацияси ва хабардорлиги бўйича ўзбек савдо ваколатхоналари ҳамда давлат органлари ва ижтимоий бирлашмалар масалалари бўйича тузилган битимлар муҳим аҳамият касб этади.

МДХга аъзо давлатларга нисбатан ташқи сиёсат соҳасидаги йўналишларни ажратиш муҳимдир. Республиканинг иқтисодий манфаатлари кўп томонлама кейинги ўн йилларда собиқ иттифоқ республикалари орасидаги чуқур ўзаро иқтисодий алоқалар билан белгиланади.

Республика ҳукуматининг 1995-2000 ва 2005 йилгача республика миллий иқтисодини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастурида Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатларига нисбатан иқтисодий сиёсати кўрсатилган. Унда таъкидланишича бундай сиёсат қуйидагиларга йўналтирилган:

- ҳамкорликда хўжалик алоқаларини миллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, аҳолини (аввало озиқ-овқат билан) таъминлаш миқёсидаги ривожланишни такомиллаштириш;

- МДХ бозорларида, айниқса, тайёр маҳсулотлар сотиш соҳасида илғор ўринни сақлаш;

- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатга экспорт-импорт товар оқимида хизмат кўрсатувчи транзит алоқаларидан кафолатли ва хавфсиз фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш кучларининг тўғри жойлашишида, ишлаб чиқаришнинг туб ислохотларида МДХ мамлакатлари ҳаракатларининг ҳамкорлиги ва келишилганлигига эришиш.

Яқин хориж мамлакатларига нисбатан фаол иқтисодий сиёсат миллий иқтисодни соғломлаштириш ва келажакда унинг ривожланиши учун шароит яратиш – Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли аъзолигига эришишнинг воситаларидан бири сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам қуйидагилар Республиканинг МДХ мамлакатларига нисбатан икки тарафлама муносабатларида биринчи даражада муҳим бўлиши керак:

- ўзаро мажбуриятларни бажариш;
- товар ўтказишдаги қарздорликни тугатиш;
- ўзбек товарлари бу мамлакатлар худудидан ўтказилаётганлигида уларнинг камситилмаслик тартиби.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодийни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга шароит яратиш лозим. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш, сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўли билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш, экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш, асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асоси бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуи тайёр маҳсулот экспорт салоҳияти жаҳондаги рақобатнинг асоси ҳисобланади ва ички бозорни иқтисодий ҳимоялаш имконини яратади.

Минтақавий барқарорлик минтақа кўламида интеграция жараёнини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда асос ҳисобланади. Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг пойдевори хизматини ўтайди.

Ўзбекистоннинг минтақавий бирлашмалар билан иқтисодий ҳамкорлиги интеграциялашувнинг тарихий қисмидир. МДХ мамлакатлари билан шундай ҳамкорлик минтақавий ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлайди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини диққат билан кузатар эканмиз, аёнлашадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръати жаҳон иқтисодиётига чуқур интеграциялашув асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини барқарор ривожланиши туфайли таъминланиш мумкин.

Ўзбекистон, бошқа мамлакатлар сингари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз ташқи иқтисодий сиёсатини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва шериклик манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда юритади.

Тараққиёт йўлида АҚШ, Япония, Россия, Хитой, ва Европа давлатлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ҳудуд хавфсизлиги ва интеграцияга ўз ҳиссасини кўшишда давом этади.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш, авваламбор, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий барқарор ривожланиши қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини кўтариш ва унда яратилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш асосида савдони ривожланишида қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

✓ ташқи савдода қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юқори сифат даражасига эришган маҳсулотларни сотиш тизимини йўлга қўйиш;

✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ташқи савдодаги турли тўсиқларни бартараф этиш лозим;

✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи савдода экспорт божларини

камайтиришга эришиш;

✓қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи савдода реклама ва намойиш этиш тадбирларини амалга ошириш;

✓қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортида уларни суғурталаш механизмини доимий амалга ошириш;

✓қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи савдода суғурта шартномаларини ўз вақтида тузиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ ҳажмда сотишга эришиш мақсадга мувоқидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги қонуни. 2000 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни. 30.08.1997 й.
4. «Дехқон хўжалиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент: «Адолат», 1999 й. 117-132 б.
5. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-сининг қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент: «Адолат», 1999 й. 117-132 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва

Қарорлари:

6. 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора - тадбирлари дастури. Халқ сўзи. 2008 йил 12 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.08. 2006 йилдаги № 183-сонли Қарори.

9. «Маҳсулотларни сертификатлаштиришини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги №318-сонли Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи//Г. 2014.18.01.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши маросимидаги нутқи. Халқ сўзи//Г. 7.06.2014 й.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент.: 2009 й.

13. И. А. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаси. 27.01. 2010 й.

15. И.А.Каримов «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод ва мафкура», Т., «Ўзбекистон» 1996 й., 363 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.

17. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

18. Каримов И.А. "Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида"- Т.: Ўзбекистон, 2005.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари:

19. 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома». ЎзР АВ да 2002 йил 21 ноябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.Т.: ЎБАМА, 2005.

20. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

VI. Дарсликлар

21. Басовский Л.Е., Протасьев Б.Б. Управление качеством. Учебник. – М.:

ИНФРА-М, 2010. – 212 стр.

22. Магомедов Ш.Ш, Беспалова Г.Е. Управление качеством продукции. Учебник. – М.: «Дашков и К°», 2010. – 336 стр.

23. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Управление качеством. Москва.2008, 400 стр.

24. Мишин В.М. Управление качеством. М. 2008, 463 стр.

25. Назарова Г.Г. «Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт».– Монография.– Т.: ТДИУ, 2005,– 180 б.

26. Ильенкова С.Д., Ильенкова Н.Д. и др. Управления качеством: Учебник для ВУЗов По ред С.Д. Ильенковой. 2-е изд., М.: Юнити-Дана, 2003 334с.

27. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Управления качеством: Учебное пособие; Под общ. Ред. И.И. Мазура. 2- е изд. М.: Омега – Л, 2005г. 400с.

28. Комилжонов Б.И. “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш”. Ўқув кўлланма Т.: 2007 й.

29. Пўлатова Р.Х.«Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш». Т.: 2006 йил.

30. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С. ва бошқалар. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Т.: 2004 йил.

31. Синецкий Б.И. Внешнеторговые операции. - М.: Международные отношения, 2004 г. - 381 с.

32. Фармонов Т.Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари” Т.: 2005 й.

33. Портер М. Конкуренция. /Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2002. С. 176.

VII. Соҳага тегишли чет эл адабиётлари

34. Джейм Эванс. Управление качеством(Total Quality). USA. 2008, 586 стр.

35. Dj Xant, R. Kanter, D.Kots. Total Quality Menejment. London. 1999 у.

36. Juran J.M. Juran on leadership for quality. New York. 1998 у.

37. Jessop D, Morrison A. Stores and control of stock. (London. Pitman.1986 у.).

38. The Global Competitiveness Report 2009-2010. World Economic Forum.
Geneva, Switzerland 2009. p.8.

VIII. Интернет маълумотлари

39. www.gov.uz

38. www.edu.uz

39. www.ziyonet.uz

41. www.MIFI.ru